



**БИЗ ҚЎРҚАНИМИЗДАН
ПАХТА ТЕРАМИЗ**

UGF
|||

БИЗ ҚЎРҚҚАНИМИЗДАН ПАХТА ТЕРАМИЗ




Пахта 2017: Асосий хулосаларнинг қисқача баёни

Қорақалпоғистоннинг Тўрткўл тумани марказий шифохонаси ҳамшираси Гулхан Авезова 2017 йил сентябрда Қумбосганга пахта теримига жўнади. У ўз иши ва оиласини ташлаб кетмоқчи эмас эди, аммо раҳбари “агар пахта теришга бормасанг, ишдан кетасан, сенинг ўрнингга талабгор жуда кўп”, дея огоҳлантирди. Гарчи Авезова теримга мажбуран чиққан бўлса-да, унинг 22 ёшли ўғли Сардорбек Салаев бироз пул ишлаб олиш умидида онасига ҳамроҳ бўлди. Таъкидлаш жоизки, одамлар нафақат теримга боришдан бош тортгани, балки етарлича пахта термагани учун ҳам жазоланишади. Салаевнинг айтишича, шифохона маъмурияти барча ходимлардан кунига 80 кг дан пахта теришни талаб қилган ва кимки бу нормани бажармаса, жазоланишини айтиб таҳдид қилган. Салаевнинг сўзларига кўра, у 80 кг тера олмаган кун бош врач унга жазо тариқасида қўшимча иш буюрган. Кун бўйи далада пахта терган Сардорбек терилган ҳосилни пахта пунктига олиб боришга, уни тарозидан ўтказиб қабул қилинишини кутишга мажбур бўлган ва бу жараён тун бўйи давом этган. Бундай пайтларда сахар 4 гача ҳеч нарса емаган ва қайтганида бошқалардан ортган овқатни еган. Далага чиқиб яна пахта теришни давом эттиришдан олдин у атиги бир ёки икки соатгина ухлаб олган. Салаевнинг айтишича, уч кун шу тартибда кунига 20 соатлаб таомсиз ва ухламай ишлаш оқибатида мажолсизликдан далада ҳушидан кетган. Ҳушсиз ётганида даладан ўтаётган трактор унинг устидан юриб, оёғини мажағлаб кетган. Ўшандан буён 10 кунлик меҳнати ортидан атиги 60000 сўм (тахминан \$7.50) пул ишлаган Сардорбекнинг оёғи тўрт марта операция қилинган. Унинг оёғи ҳали ҳам тузалиб кетмади, жони азобда, на ишлай олади ва на юра олишга қодир.

Салаев ва унинг онаси пахта терган Қумбосган жойлашган туманда Жаҳон банки Ўзбекистон ҳукумати болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатни тақиқловчи маҳаллий ва халқаро қонунларга амал қилиши шarti билан ирригация лойиҳасини молиялаштирган эди. Қонунбузарлик ҳолатлари исботланган тақдирда банк молиялаштиришини тўхтатиши мумкинлигини билса ҳам ҳукумат Гулхан Авезова кабиларни пахта теришга мажбурлашда давом этмоқда. Ҳукумат одамларни пахта теришга мажбурлаш учун турли жарималар солади, бош тортганларни, ҳатто Сардорбек Салаев каби кўнгиллиларни ҳам кам пахта тергани учун жазолайди. Бундан ташқари, давлат ишида ишловчилар ёки давлат хизматларидан фойдаланувчилар, масалан, ёш боласи борлиги учун давлатдан нафақа олувчилар

ҳам теримга чиқишга мажбурлар. Чунки улар теримдан бош тортса, нафақаси берилмайди ёки ишдан ҳайдалади. Теримга бормасликнинг ягона имконияти ўзининг ўрнига пахта терадиган одамни ўз ҳисобидан ёллашдир. Қашшоқликда яшаётганлар мажбурий меҳнатга айниқса таъсирчандир. Чунки улар ўз ишини ёки нафақасини йўқотиш таҳдиди остида теримдан бош тортиб таваккал қила олмайдилар, ўз ўринларига одам ёллашга ҳам қурблари етмайди.



Сардорбек Салаев, Тўрткўл, 2017 йил декабрь

2017 йилда ҳукумат пахта теримидаги мажбурий меҳнатни тан олиш ва пахта теримида мажбурий меҳнат муаммосини ҳал этиш йўлида аввал кузатилмаган бир неча қадамлар қўйди. Президент Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясидаги чиқишида Ўзбекистон болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатни тугатишга оид чоралар кўрганини айтди. Ушбу маърузадан сўнг Жаҳон банки президенти Жим Ёнг Ким Мирзиёевни мажбурий меҳнатни тугатиш борасида ислохотлар ўтказишга чақирди. Кейинги куни Ўзбекистон ҳукумати талабаларни, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасининг аксарият ходимларини пахта далаларидан қайтарди. Бу эса Жаҳон банкнинг болалар меҳнати ва мажбурий меҳнат муаммосига аралашауви нақадар муҳимлигини ва сиёсий ирода бўлса, Ўзбекистон ҳукумати амалда тезда кўпгина ўзгаришлар қила олишга қодирлигини кўрсатади. Шу билан бирга, ҳукумат терим пулини кўпайтирди, одамларни мажбурий меҳнат ва таъмагирлик ҳолатлари ҳақида хабар бериш механизмларидан фойдаланишга чақирди, шунингдек, фуқаролик жамияти фаоллари билан учрашувлар ўтказди.

Шунга қарамай, бюджет ташкилотлари вакиллари, маҳалла фаоллари, тадбиркорлар ва уларнинг ишчилари, ёлланган теримчилардан олинган интервьюлар, шунингдек, давлат хизматчилари баёноتلари ҳамда матбуотга сизган ҳукумат ҳужжатлари, мажбурий меҳнат қурбонларининг ОАВ ва ижтимоий тармоқларда эълон қилинган шикоятлари асосида Ўзбекистон-Германия форуми 2017 йилги пахта теримининг бутун мавсуми давомида мажбурий меҳнат мониторинги ўтказилган барча вилоятларда, жумладан, Жаҳон банки лойиҳалари амалга оширилаётган жанубий Қорақалпоғистонда ҳам мажбурий меҳнатдан тизимли равишда фойдаланилганлигини аниқлади. Ўзбекистон-Германия форуми фуқаролардан пахта теримига одам ёллаш учун, жумладан, гўёки теримдан озод бюджет соҳаси ходимларидан мисли кўрилмаган кўламда пул таъма қилингани ҳолатларини ҳужжатлаштирди.

Ҳукуматнинг мажбурий меҳнат устидан ўрнатган назорати

Ўзбекистонда пахта терими мавсумида кўплаб одамлар пул ишлаб олиш учун кўнгилли равишда меҳнат қилаётган бир даврда бу соҳанинг асосий қисми мажбурий меҳнатга асосланганича қолмоқда. Ҳукумат томонидан белгилаб бериладиган пахта топшириш мажбуриятларини катта босим остида бажаришга мажбур бўлган маҳаллий ҳокимликлар пахта терими мавсумининг охирига келиб далаларда теришга арзигулик пахта қолмаган, оғир шароит ва пул ишлаб олиш имконияти деярли йўқ бўлган вазиятларда ҳам мажбурий меҳнатдан



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ БАНК
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

THE CENTRAL BANK OF THE
REPUBLIC OF UZBEKISTAN

100001, O'zbekiston Respublikasi, Toshkent sh., O'zbekiston shaharida, 4. Tel: (+99871) 111-40-00, 112-42-00.
Fax: (+99871) 111-15-07. Telefa: 114394 Yangi RU Aloqa markazi Toshkent - 1 Bank.
WEB-siti: www.cbu.uz, E-mail: info@cbu.uz

100001, Республика Узбекистан,
г. Ташкент, пр. Узбекистанский, 4

4, Uzbekistan Av., 100001, Toshkent,
Republic of Uzbekistan

2017. 26. сентябрь № 11-15/21

"Хизмат доирасида фойдаланиш учун"

Тижорат банклари
Бошқаруви раисларига
(руйхат бўйича)

Марказий банкнинг ҳудудий
Бош бошқармалари
бошлиқларига

Республика ҳудудларида 2017 йил пахта ҳосилини йнгиб-териб олинишинига кўмаклашиш мақсадида Сизлардан банкнинг барча ҳудудий филиалларида ишлаётган ҳар бир ходим 5 тадан теримчини пахта йнгим-теримига жалб этилини ташкил қилинишингиз сўралади.

Шу билан бирга, қуйида илова қилинган 1-жадвални белгиланган тартибда тўлдириб, Марказий банкка 2017 йил 26 сентябрь соат 20.00 га қадар электрон шаклда (01stat15 элекрон манзилга) тақдим этиш ҳамда 27 сентябрдан 1 ва 2-жадвалларни бошлаб ҳар куни соат 19.00 гача бериб боришингиз лозимлигини маълум қиламиз.

Илова 2 варақда.

Раис ўринбосари


Ш. Атабаев

2017 йил 26 сентябрда Ўзбекистон Марказий банки ўзининг вилоятлардаги бошқармалари бошлиқларига ҳар бир ходим пахта териш учун бештадан одам ёллаши зарурлигини сўраб хат юборган.

фойдаланишади. Бюджет ташкилотларидан пахта теримига одам юборишни талаб қилишади, кунлик пахта топшириш нормаси бажарилишига шахсан масъул ҳокимлар учун пахта далаларида доимий ишчи кучи бўлишини таъминлашади. Пахта теримининг бориши ҳақида ҳукумат вакиллари томонидан ўтказиладиган кунлик мажлисларнинг ёзувлари, ҳисоботлари ва пахта теримини ташкиллаштириш борасидаги топшириқлардан аён бўладиги, ҳукумат бу каби ишларга одамларни жалб қилиш, норма бажарилишини таъминлашда бюджет, жумладан, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳалари ташкилотлари ходимлари ҳамда маҳалла йиғинлари, касаба уюшмалари, солиқ ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакиллари таянади.

Ўзбекистондаги баъзи расмийлар мажбурий меҳнатдан фойдаланиш 2017 йилда учраб турганини тан олади, бироқ уларнинг таъкидлашларича, бу муаммолар мунтазам бўлмаган ва бундай ҳолатлар айрим жойлардагина кузатилган.ⁱ Айни пайтда Халқаро меҳнат ташкилоти ҳам маҳаллий ҳокимликлар вакиллари томонидан “мажбуриятларни бир ёқлама амалга ошириш”, одамларни қўрқитиш ва уларга босим ўтказиш каби ҳолатларни қайд этган.ⁱⁱ Жаҳон банки ва унинг тузилмаси бўлмиш Халқаро молия корпорациясининг таъкидлашича, мажбурий меҳнатдан фойдаланиш борасида вилоятлар бир-бирларидан тубдан фарқ қилади. Уларга кўра, аҳолиси унча зич бўлмаган вилоятларда далага чиқувчилар сони кам бўлганлиги боис одамлар кўпроқ мажбурий меҳнатга жалб қилинади ва аҳолиси зич жойлашган вилоятларда эса кўнгилли равишда пахта теримига чиқувчилар сони кўп, шунинг учун бундай вилоятларда мажбурий меҳнат камроқ.ⁱⁱⁱ Пахта етиштирувчи туманларда мажбурий меҳнатдан фойдаланиш эҳтимолини ўрганиш борасида Халқаро молия корпорацияси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган “Индорама” тизими қисман мана шундай назарияга асосланган.^{iv}

Шунга қарамай, пахта терими мавсумида ишчи кучи билан таъминлаш ва бунда таҳдидлардан фойдаланиш меҳнатга ёллашнинг маъқулланган амалиётини “бир ёқлама бажариш” эмас. Мажбурий меҳнатнинг давом этиши энг юқори ташкилотлар томонидан тузилган ва вилоятларда доимий равишда амалга ошириб келинаётган пахта етиштириш тизими билан боғлиқ. Бу жараён олдинги йиллардан буён ўзгаришсиз давом этиб келмоқда. Бу тизим туман ва вилоятларга марказ томонидан юклатилган пахта режасини тўлиқ бажариш механизмини яратмайди, бунинг оқибати, айниқса, октябрь ва ноябрь ойларининг иккинчи ярмида, далаларда пахта кам қолганида ва пул ишлаб олиш имконияти сезиларли даражада пасайиб кетганида сезилади. Ресурслар етишмаслиги, меҳнатга ҳақ тўлашнинг назорат қилиниши мажбурий меҳнат давлат томонидан белгиланган режани бажаришда ягона восита эканини англатади. Ўзбекистоннинг аҳоли энг зич жойлашган Андижон вилоятидаги ҳолат шуни кўрсатадиги, мажбурий меҳнат давлат ёки ҳукумат сиёсатининг тўғридан-тўғри натижасидир.^v



SEASONAL COTTON HARVEST

CENTRAL GOVERNMENT



FIELD PRODUCTIVITY DECREASES



INCREASE IN EXTORTION AND COERCION



REGIONAL HOKIMS



CENTRAL GOVERNMENT



HOKIMS

INSTITUTIONS
MAHALLAS BUSINESSES SCHOOLS HOSPITALS



PUBLIC SECTOR EMPLOYEES



• LOW WAGES AND POOR WORKING CONDITIONS

• NOT ENOUGH VOLUNTARY LABOR

• VOLUNTARY LABOR DURING HARVEST



BEGINNING OF SEASON



QUOTA
80KG/DAY

400 SOUM/KG

32,000 SOUM/DAY (\$4)



END OF SEASON



QUOTA
10KG/DAY

700 SOUM/KG

7,000 SOUM/DAY (\$0.87)

ANDIJAN MOST DENSELY POPULATED REGION

- Abuse, intimidation, and threats by regional, district, and city hokims
- 11 and 12-year old children picked cotton; children ordered to bring cotton to school;
- parents ordered to pick in place of teachers children locked out of kindergartens unless their parents pick or pay
- taxi drivers, market stall owners, small business ordered to pick or pay; market closed and all shopkeepers sent to fields
- large enterprises ordered to send employees to fields
- public sector employees involuntarily transferred to pick in other regions
- public sector employees in fields in November breaking open unripened cotton buds
- Quotas enforced with threats, fines, beating

2017 йилда ҳукумат расмий вакилларининг ижтимоий соҳа ходимлари, тадбиркорлар ва маҳалла фаоллари билан ўтказган айрим мажлисларининг яширин камера воситасида ёзиб олиниши расмийларнинг ўз вазифаларини суиистеъмол қилишлари ва одамларни қўрқитишларини исботлаш имконини берди. Ушбу мажлисларнинг матнлари ва тасвирлари оммавий ахборот воситаларида, жумладан, Ўзбекистон ОАВларида ҳамда нодавлат ташкилотлар ҳисоботларида ёритилган. Мажбурий меҳнат тизимидаги асосий компонент ҳисобланмиш расмийларнинг ўз вазифаларини суиистеъмол қилишларига оид бу далиллар эълон қилинганидан сўнг улар кенг оммага маълум бўлди. Улардан аниқ аён бўладики, туман ва вилоят расмийлари ташкилот ва корхоналар раҳбарларини пахта терими мавсумида ишчи кучи билан таъминлашга мажбур қиладилар. Ҳокимлар маҳалла фуқаролар йиғинлари раҳбарлари, давлат идоралари, солиқ ташкилотлари, коммунал хизмат корхоналари, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳалари раҳбарлари, ҳатто ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига одамларни пахта теримига сафарбар қилиш ва кунлик нормани таъминлаш вазифасини юклашади. Ушбу раҳбарлар, ўз навбатида, ходимларига ёки нафақа олувчиларга пахта теришни ёки пахта теримига ёлланган одамларга пул тўлашни буюрадилар.

Мажбурий меҳнат ва давлат ташкилотларида ишловчилар, нафақахўрлар ва тадбиркорлардан мажбурий пул ундириш

Ғайриихтиёрий меҳнат

Ўзбекистон-Германия форуми билан суҳбатда бўлган давлат ташкилотлари ходимлари, талабалар ва тадбиркорларнинг аксарияти пахта теришга бормасдан, ўз иш ва ўқиш жойларида қолишни афзал кўришларини айтишган. Буни пахта терими учун кам ҳақ тўланиши, оғир меҳнат, яшаш шароитининг ёмонлиги, кунлар-ҳафталар мобайнида ўз уйларида узоқда бўлишни истамасликлари, бу мавсумнинг ўз ишларига салбий таъсири ҳамда пахта териш билан бир вақтнинг ўзида асосий иш жойлари билан ҳам доимий алоқада бўлиш зарурати кабилар билан изоҳлайдилар.^{vi}

Терим кампаниясига сафарбар қилинадиганларнинг аксарияти буни хоҳламаслигини кўрсатувчи аниқ далил шуки, раҳбарлар ёппасига пахтага чиқишни, агар кимки пахта теримига боришни истамаса, ўз ўрнига одам ёллашини

ва унга пул тўлашини талаб қилишади.^{vii} Солиқ ташкилоти ходимларидан бири бундай дейди: “Юқоридан буюрилмагунича ким ўз ҳамёнидан пахта терувчи учун бир миллион сўм (тахминан \$125) тўлашни хоҳлайди?”^{viii} Коллежда ишловчи ўқитувчи аёлнинг сўзларига қараганда, коллеж раҳбарияти ундан пахта териш учун ўрнига одам ёллашни талаб қилган, ўғли борадиган боғчанинг мудираси эса боғча учун пахта териши кераклигини, агар бунга кўнмаса, ўрнига одам ёллаб, пул тўлаши шартлигини айтган. Натижада бу харажатларни қоплаш учун у қарз олишга мажбур бўлган.^{ix} Ўз ихтиёри билан пахта тераётган ишсиз аёлнинг айтишича, у ишлаб топган пулининг аксар қисмини давлат идорасида ишлайдиган ва пахта теришга боришни истамаган эрининг ўрнига одам ёллаш учун сарфлаган. Аёлнинг гапига кўра, унинг эри бир вақтнинг ўзида ҳам пахта теримига бориб, ҳам ишини бажаришни хоҳламаган.^x

Таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбарлари ҳаттоки ҳамма пахта далаларидан қайтариб олиб келинганидан сўнг ҳам ўз ходимларидан ғайриихтиёрий равишда пахта теримига чиқишни талаб қилишган.^{xi} Баъзи ишчилар буйруқ туман ёки вилоят таълим бошқармаларидан ёки ҳокимлардан келганлигини, агар ходимлар пахта теримига чиқишмаса, уларнинг раҳбарлари жазоланишини айтишган.^{xii} Ўқитувчилардан бири бундай деган: “Агар мени мажбурлашмаганларида пахта даласига келмаган бўлар эдим. Ҳамма жойда “одамларни пахта теришга мажбурлаш ман этилган” каби мазмундаги плакатларни осиб қўйишади. Амалда эса пахта териш ихтиёрий эмас. Агар чиндан ҳам шундай бўлганида, биронта ўқитувчи пахта термаган бўлар эди.”^{xiii} Шифокорлардан бирининг айтишича, “эс-ҳуши жойида одам” ҳеч қачон ўз ихтиёри билан пахта теримига чиқмайди, чунки у ердаги шароит ақл бовар қилмайдиган даражада расво. “Одамлар қўрққанларидан пахта теришади, чунки бошқа чоралари ҳам йўқ.”^{xiv}

Хусусий тадбиркорлар ва уларнинг қўл остида ишловчи, жумладан, йирик давлат корхоналари ва қўшма корхоналар ходимларнинг Ўзбекистон-Германия форумига айтишича, солиқ ташкилотлари раҳбарлари улардан ўз ходимларидан пахта теримига чиқишни ёки ўрниларига одам ёллашни, ёки шунга кетадиган харажат учун пулларни тўғридан-тўғри расмийларга беришни талаб қилишган. Уларнинг билдиришича, пахта териш учун юбориладиган ёки ўрнига ёллаш лозим бўлган одам сони ёки бу харажатларга тўланадиган пулнинг ҳажми улар юритадиган бизнеснинг катта ёки кичиклиги ҳамда ходимларнинг кўп ёки камлигига боғлиқ.^{xv}



Андижон ҳокими, Дилмурод Раҳматуллаев: “Ким у машинасозлик коллежидан шакал? Сен ҳам ифлос экансан. Сен одам эмассан, тварь, ҳайвон...
2017 йил октябрь, пахта терими бош штаби

Пахта теришдан ёки пул тўлашдан бош тортганлик учун жазо ёки жазолаш таҳдиди

Пахта теришдан ёки ўз ўрнига одам ёллашдан ёки бунинг учун пул тўлашдан бош тортганлар жазоланишган. Жазолаш эса турлича: ишдан ҳайдаш, маъмурий жазо, ойлик маошдан ушлаб қолиш ва болалар учун тўланадиган нафақа пулидан маҳрум бўлиш. Одамларнинг айтишларича, баъзи ҳолларда жазо таҳдидлари аниқ ва равшан бўлган. Баъзан эса улар талабларга қарши чиқиша олмаганлар, чунки бунинг оқибати салбий бўлиши ва жазоланишини яхши билишган.

Халқаро меҳнат ташкилоти ўзининг 2017 йилги ҳисоботида пахта теримида ҳеч қандай босим ва таҳдидсиз иштирок этганларни “ихтиёрий теримчилар” деб таърифлаб, қуйидагини алоҳида таъкидлайди: “Пахта териш борасидаги ижтимоий босим мамлакат бўйлаб ҳали ҳам кенг тарқалган. Ижтимоий босим деганда одамлар ўз оилалари ва маҳаллаларида бир-бирлари билан ўзаро ижобий муносабатларни сақлаб қолиши тушунилади, зеро ўтмишда бўлгани каби маҳаллалар ёки баъзи тоифадаги одамлар ҳам пахта теримига жалб қилиб келинади.”^{xvi} Бу формула Ўзбекистондаги реал воқеликни инкор этади. Аҳолининг очлик ва ишсизлик даражаси юқори бўлган мазкур мамлакатда одамлар ўз иш жойларини йўқотишдан қўрқишади, расмийлар қўрқув муҳитини яратишган,

жавобгарлик механизми ишламайди ва давлат корхоналарида ишловчи ходимлар пул тўланмайдиган турли “ҳашарлар”да мунтазам равишда эксплуатация қилинади. Кўчалар ва бинолар атрофини тозалаш, гул кўчатлари экиш ёки бунинг учун пул тўлаш, деворларни оқлаш, қурилиш ишлари ва ободонлаштириш, пахта далаларидаги ёввойи ўтларни юлиш, ипак қурти боқиш ва бошқа қишлоқ хўжалиги ишлари кабилар бюджет ташкилотлари ходимлари ишининг таркибий қисми ҳисобланади ва булардан бош тортишга уларда ҳеч қандай имкон йўқ. Бу каби ишларни бажариш шартлиги одамларга доим уқтириб борилади. Аниқ таҳдидлар бўлмаган тақдирда ҳам агар бу каби ишларни бажаришдан бош тортгудек бўлсалар, раҳбарлари уларни ишдан ҳайдаш учун баҳона топишларини ҳам яхши билишади. Бундан хулоса қилиш мумкинки, агар одамлар кўпчилик учун мушкул молиявий масала ҳисобланган бу юмушдан, яъни ўз ўрниларига бошқа теримчи ёллашдан бош тортгани учун жазоланмаслигини билишганида, бунинг учун ўз ихтиёрлари билан пул тўламаган бўлишар эди. Халқаро меҳнат ташкилотининг хулосасидан келиб чиқадики, маҳаллий ҳокимият расмийлари ўзларининг асосий вазифаларидан ташқари одамларнинг асосий иш фаолияти билан бирга уларнинг ёки ёлланганлар даладаги ишини ҳам назорат қиладилар. Бундан кўзланган мақсад эса ёлланган одамлар лозим даражада қаттиқ ишлашмаса, уларни ёллаганларни жазолашдир.



15 октябрь куни инсон ҳуқуқлари фаоли Малоҳат Эшонқулова Самарқанд туманидан тиббиёт ходимларининг пахта теримига жўнаб кетишини кузатган ва видеотасвирга олган. Бу ходимларнинг сўзларига кўра, пахта теримига мажбурий чиқиш туман ҳокими Шухрат Жамолов буйруғига биноан амалга оширилган. Шифокорлар терим бошланган биринчи кунлардан то ҳозиргача пахта теришга мажбур бўлганларини айтишади.

Ўқитувчилар ва мактаб ходимларининг сўзларига кўра, директорлар уларга пахта теришдан бош тортганлар жазоланиши ва оқибати ёмон бўлиши ҳақида очиқчасига таҳдид қилишган: дарс соатларини камайтириш, бунинг оқибатида эса маош камайиши, ишдан ҳайдаш ёки маъмурий жазолар.^{xvii} Бошқаларга эса кимда-ким пахта теришдан бош тортса, директорлар ёки таълим соҳаси расмийлари уларни ишдан ҳайдашга баҳона топишларини айтишган.^{xviii} Баъзи боғчалар агар оналар пахта теришдан бош тортишса ёки теримчи ёллашга ёрдам беришмаса, уларнинг фарзандларини боғчага қабул қилишдан бош тортган.^{xix} Соғлиқни сақлаш ходимлари ҳам пахта теришдан бош тортса, ишдан ҳайдалиши ёки бошқа йўллар билан жазоланиши ҳақида огоҳлантирилган.^{xx} Бошқалар эса пахта теришга қарши бўлсалар, ўз ишларини йўқотишларидан қўрқишларини айтишган.^{xxi} Ҳамширалардан бири бундай дейди: “Пахта теришдан қутулишнинг бирдан-бир йўли ишдан бўшашдир. [Агар қаршилиқ қилсанг] улар сенга чора кўриши ёки ишдан ҳайдаши учун сабаб топишади.”^{xxii} Маҳалла фуқаролар йиғинлари одамларни фарзандлари учун оладиган ва бошқа нафақаларидан маҳрум қилиш таҳдиди билан пахта теримига ёллаган.^{xxiii} Тадбиркорларга ҳам пахта теришдан бош тортишса, жазоланишларини айтишган. Жазо турлари эса қўққисдан уюштириладиган текширишлар, жарималар ёки уларнинг фаолиятларини вақтинча ёки умуман ёпиб қўйиш кабилардир.^{xxiv} Айрим тадбиркорлар пахта теришдан бош тортиш солиқ органлари ва ҳокимият вакиллари билан муносабатларнинг ёмонлашувига олиб келиши, бу эса бизнесга таъсир қилиши мумкинлигини айтишган. Наманганда дўконлардан бири эгаси ходимларини пахта теримига юбормагани учун жазо тариқасида ёпиб қўйилган. Дўкон эшигига қуйидаги сўзлар ёзилган: “Дўкон ходимларни пахта теришга юбормагани учун ёпиб қўйилган. Бозор раҳбарининг рухсатисиз очиш мумкин эмас.”^{xxv}

Одамлар пахта далаларида лозим даражада қаттиқ ишламагани ёки кунлик пахта нормасини бажармагани учун ҳам жазоланишганини айтишган. Бундай жазо турларига хўрлаш, ҳақоратлаш ёки пахта штабида ҳаммининг олдида камситиш, раҳбари томонидан маъмурий жазо қўллаш, қўшимча иш бажаришга мажбур қилиш ёки калтаклаш кабиларни киритиш мумкин.

Жаҳон банки лойиҳаси амалга оширилаётган Қорақалпоғистон жанубида мажбурий меҳнат ва болалар меҳнати

Бу бўлим мажбурий меҳнат ва болалар меҳнати ҳақидаги далилларни, айниқса, Тўрткўл, Беруний ва Эллиққалъа туманларидан тўпланган маълумотларни инобатга олмайди. Жаҳон банкининг Сув ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш лойиҳаси

Қорақалпоғистоннинг шу туманларида амалга ошириляпти. Бу лойиҳа мажбурий меҳнатнинг ҳар қандай кўринишини ҳужжатлаштиришни кўзда тутуди ва ҳукумат ҳам бу ҳудудларда мажбурий меҳнат ва болалар меҳнати борасидаги қонунларнинг амал қилинишини таъминлаш мажбуриятини олган.^{xxvi}

Давлат ташкилотлари хизматчилари ва корхоналар, нафақа ва ёрдам пули олувчилар пахта теришга ёки теримчилар пулини тўлашга мажбурдирлар

Мамлакатнинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби Қорақалпоғистондаги давлат ташкилотларида ишловчилар, жумладан, таълим ва тиббиёт соҳаси вакиллари ҳам Ўзбекистон-Германия форумига пахта териш ёки ўрнига одам ёллашга мажбурланишаётгани, буни раҳбарлар ва расмийлар талаб қилишгани, бош тортишса, жазоланишдан ва иш жойларини йўқотишдан қўрқишганини айтишган. Пахта теришни истамаганлар ўринларига ёлланган одамга пул тўлашга мажбур бўлишган.^{xxvii}

Одамлар нафақат пахта теришдан бош тортгани, балки кунлик пахта териш нормасини бажармагани ва далада яхши ишламагани учун ҳам жазоланишган.

Баъзи таълим ва тиббиёт соҳаси вакиллари бош вазирнинг 22 сентябрь кунги қароридан сўнг пахта теришдан озод қилинган эди.^{xxviii} Бироқ бу кўпчилик учун пахта далаларига қайта юборилиши олдидан қисқа бир танаффус бўлди, холос.^{xxix} Айримлардан ўз ўрнига одам ёллаб, улар учун пул тўлаш талаб қилинган.^{xxx} Нукус давлат университети талабалари ҳам пахта далаларига қайтариб юборилган. Талабалардан бирининг сўзларига кўра, у ва барча 2-курс талабалари 6 октябрдан бошлаб Қумбосганда пахта теришган. Бу пайтга келиб терадиган пахтанинг ўзи кам қолган, овқат ва турар жой учун ўзлари пул тўлашга мажбур бўлишган.^{xxxi} Учинчи курс талабасининг айтишича, унинг ўзи ва гуруҳдошлари 1 ноябрдан Қораўзақда ётоққа пахта теришга жўнатилган.^{xxxi}

2017 йилги пахта мавсуми, айниқса, Қорақалпоғистонда жуда қийин кечди, чунки ҳосил кам бўлди. Нормани етказиб бера олмаётган расмийлар эса ноябрнинг охиригача теримчиларни далага ҳайдашни тўхтатмадилар, лекин октябрь ойининг ўрталаридаёқ далада пахта жуда оз қолган эди. Мамлакатнинг бошқа вилоятларидаги каби расмийлар 15 октябрдан 15 ноябргача зарбдор ойлик эълон қилишди, кейинчалик бу 20 ноябргача узайтирилди. Натижада одамларнинг далада ишни давом эттиришлари ёки пахта учун пул тўлашлари учун босим янада кучайди. Зарбдор ойлик эълон қилинганлиги ҳақидаги хабар тез-тез радио орқали

эфирга узатиб турилди. Хотин-қизлар қўмитаси, “Нуроний” ва “Маҳалла” фондлари, ташаббускор ёшлар ва касаба уюшмалари одамларни “ватан олдидаги бурч”ларини бажаришга ва пахтани “сўнгги граммгача” териб олишга чақирди.”^{xxxiii}

Кўплаб давлат идоралари ходимлари ва бизнес вакиллари далада деярли пахта қолмаганлиги ва шароит оғир бўлишига қарамай, ноябрь ойида ҳам далада бўлишга ёки ўринларига одам жўнатишга мажбур бўлишди.^{xxxiv} Соғлиқни сақлаш соҳаси вакилларида бири бундай дейди: “Бу ерда ўз ихтиёри билан пахта тераётганлар йўқ. Теришга пахта ҳам йўқ.”^{xxxv} Бир фермернинг айтишича, у қишлоқ хўжалиги институтининг ўзига тегишли далада 45 кундан бери пахта тераётган, баъзи кунлари эса овқатсиз қолган 70 ходими учун нон олиб келган. Унинг айтишича, ходимлар “жисман ва руҳан” ҳолдан тойган эдилар.”^{xxxvi} Институт ходимларидан бирининг тасдиқлашича, институт томонидан жўнатилган 1000 киши етарли овқатланмасдан 50 кун пахта териб, 18 ноябрда пахта далаларидан қайтиб келишган.^{xxxvii}

Яна бир нечта кишининг айтишича, маҳалла расмийлари милиция ҳамроҳлигида уйма-уй юриб, одамларни пахтага чиқишга ундаган ва бундан бош тортганларни электр тармоғидан узиб қўйиш ва нафақа тўлашни тўхтатиш билан қўрқитишган.^{xxxviii} Бир эр-хотиннинг айтишича, сентябрь ойининг бошларида маҳалла расмийлари, милиция зобити ва имом маҳалладаги 200 хонадонга кириб, теримга чиқишлари зарурлигини, акс ҳолда уларнинг уйлари электр тармоғидан узиб қўйилишини маълум қилишган. Имом уларга кимда-ким пахта теримига чиқмаса, маҳаллада шарманда қилинишини, тўй ва жаноза маросимларига қўйилмаслигини айтган.^{xxxix} Аёлнинг сўзларига кўра, у биров пул ишлаб олиш мақсадида кимнингдир ўрнига пахта термоқчи бўлган, аммо маҳалла вакили унга бировнинг ўрнига эмас, маҳалла номидан пахта териши шартлигини, акс ҳолда электр тармоғидан узиб қўйилишини айтиб қўрқитган. Уларнинг билдиришича, электр корхонаси ходими “маҳаллага пахта теришда ёрдам бермагани учун” айрим хонадонларнинг электр симларини узиб ташлаган.”^{xl} Ўзбекистон-Германия форуми кузатувчиси вазият ҳақида сўраш учун маҳалла раиси билан боғланганда, раис унга “давлат сиёсатига қарши иш қилаётганини” эслатиб, ундан ким шикоят қилганини айтишни талаб қилган ва милицияга кузатувчини текширишни сўраб телефон қилган.^{xli}

Солиқчилар тадбиркорлардан теримчиларга тўлаш учун пул ундиришган. Тадбиркорларнинг Ўзбекистон-Германия форумига айтишича, солиқ расмийлари улардан пахта теримига одам жўнатиш ёки ўринларига теримчи ёллашга пул тўлашни талаб қилишган, бундан бош тортишса, корхоналарини ёпиш билан таҳдид қилишган.^{xlii} Ўзбекистон-Германия форуми кузатувчилари бир бозорда солиқчиларнинг дўконма-дўкон юриб, дўкондорлардан теримчи учун кунига 15000

сўм (тахминан \$1.90) тўлаш ёки автобусларга ўтириб, ўзлари далага чиқишни талаб қилаётганини кўришган. Дорихона эгасининг айтишича, расмийлар ҳар ҳафта ундан 100 000 сўм (тахминан \$12.50) олишган. “Пулни олиб кетиш учун уч киши – солиқ ходими, милиция зобити ва бозор вакили бирга келишар эди. Улар шундай сўрашар эдики, бош тортишнинг имкони йўқ эди. Бош тортиш ҳукуматга қарши чиқиш билан баробар эди.”^{xiii} Тўрткўл марказидаги бозор олдидан ичи тўла автобусларда теримга кетаётганларнинг айтишича, дўкондорлар уларнинг бир куни учун ҳар бирига 15000 – 20000 сўмдан (тахминан \$1.90-2.50) тўлашган. Далада пахта тераётган 25-30 кишидан бири улар банк ходимлари томонидан ёлланган теримчилар эканини билдирди.^{xiv}



Тўрткўл тумани бозори, 2017 йил 5 ноябрь

Болалар меҳнатидан фойдаланиш ҳолатлари

Юқорида қайд этилганлар қаторида болалар меҳнати ҳам кузатилган, жумладан, маҳалла номидан пахта тераётган болалар учраган. Ўзининг 12 яшар қизи билан Қумбосганда пахта тераётган аёлнинг сўзларига кўра, маҳалла расмийси уни пахта теримига чиқмаса, фарзанди учун олаётган нафақаси тўхтатиб қўйилишини айтиб кўрқитган.^{xvi} Яна бир аёлга кўра, маҳалла ҳар бир хонадондан бир кишининг пахта теримига чиқишини талаб қилган ва баъзи мактаб болалари дарслардан сўнг маҳалла учун пахта теришган.^{xvii} Бир ҳамшира эса унинг ўрнига пахта терадиган одам учун 10 кунга 100 000 сўм (тахминан \$12.50) тўлаган, чунки бундан бош тортгудек бўлса, раҳбари уни ишдан ҳайдаш билан таҳдид қилган. Бироқ у ёллаган теримчи беш кундан сўнг қайтиб келган ва пулнинг қолган қисмини қайтариб берган, чунки далада пахта қолмаган эди. Ҳамшира ўзининг ўрнига 17 яшар ўғлини Пахтаободга 20 кунга пахта теришга юборган.^{xviii}

Пахта мавсуми давомида мажбурий меҳнат ва таъмагирликлар эҳтимоли кўпайди

Теримчиларнинг аксар қисми пул ишлаб олиш мақсадида ўз ихтиёрлари билан далага чиққан одамлардир. Аммо мавсум давомида далада пахта камайиб, шароитлар оғирлашиб боради ва бу кўнгиллиларнинг сезиларли даражада камайишига олиб келади.

Нархлар кўтарилишининг таъсири

2016 йилда ҳукумат бир кило терилган пахта учун 280 сўм (тахминан \$0.04) тўлаган бўлса, 2017 йилда нарх кўтарилди. Биринчи босқичда теримчиларга пахтанинг kilosига 450 сўм (тахминан \$0.05) тўланди, кейинчалик 1 октябрдан бошлаб бу нарх 500 сўмга ўсди (тахминан \$0.06) ва 17 октябрдан 700 сўмга (тахминан \$0.09) чиқди, терим кампаниясининг охирига бориб баъзи жойларда 800 сўмга (тахминан \$.10) ҳам етди.^{xix} Халқаро меҳнат ташкилоти буни 2016 йилдагига нисбатан 61дан 150% гача ўсиш деб ҳисоблаганда ҳам бу инфляцияни қопламайди.¹

Меҳнатга ҳақ тўлашдаги ҳар қандай ўсиш ўзбек ишчи-ходимлари чўнтагига кўпроқ пул тушишини англатса-да, пахта нархи ошишининг кўнгиллиларни ишга ёллашга бўлган таъсири аниқ эмас. Октябрь ойининг ўрталарига келиб кўплаб вилоятларда далада жуда ҳам кам пахта қолган. Маҳаллий ҳокимлар эса марказий ҳукумат босими остида ташкилотлардан пахта теримига одам жўнатишни ёки ишчи ёллашни талаб қилишда давом этишган. Кўплаб теримчилар овқат, транспорт,

яшаш ва гигиена шароитлари учун ўзлари тўлашга мажбур эдилар ва уларнинг қанча пул топишларидан қатъи назар, нархлар бир хилда сақланиб қолган.^{li} Баъзи теримчилар нормани бажариш ва жазоланишнинг олдини олиш учун пахтани сотиб олишган.^{liii} Баъзан бундай харажатлар одамлар ишлаб топаётган пул миқдоридан ошиб кетган, мавсум ўтиб боргани сайин теримчилар кетиб ҳам қолган.^{liiii} Масалан, Қўқон шаҳридаги коллежлардан бирининг талабасига кўра, коллеж директори талабаларни 3 ноябрдан бошлаб Бағдод туманида пахта теришга жўнатган. Талабанинг айтишича, у кунига атиги 3-5 кило пахта тера олган ва ўзининг кунлик харажати бўлган 2 700-3 700 сўмни (тахминан \$0.33-0.46) қоплашга ҳам уринмаган, ваҳоланки, у пахта даласига олиб бориб келгани учун транспортга яна кунига 12 000 сўм (тахминан \$1.50) тўлаши ва уйдан овқат ҳам олиб келиши лозим бўлган.^{liv} Талаба қиз теримдан бош тортишнинг оқибатидан қўрқиб пахтага мажбуран чиққанини айтса-да, яхши ҳақ тўлашганида ўз хоҳиши билан пахтага чиқиши мумкинлигини ҳам билдиради.^{lv}

Кўпчилик, айниқса, давлат корхоналари ходимлари ва талабаларнинг шикоят қилишларича, далада пахта даярли қолмаганига қарамай, улар даладан кетмасликка мажбурланган. Улар чала терилган чаноқларни қандай тозалаш ёки хом кўсақларни ёриб, пахтасини қандай олишганини тасвирлаб беришган.^{lvi} Сентябрь ойида қайинсинглиси билан бирга пул ишлаб олиш мақсадида ўз ихтиёри билан пахта терган аёл қариндошидан хабар олиш учун бир неча ҳафтага қайтиб кетган. Бироқ улар 20 октябрда қайтиб келганларида атиги уч кун ишлаб, сўнг теримни тўхтатишган, чунки уларнинг ҳар бири бор-йўғи 7 000 сўм (тахминан \$0.87) дан пул ишлашган, холос.^{lvii}



Анджон, 2017 йил 5 ноябрь

Теримга мажбурий жалб қилинганлар томонидан ёлланган кўнгиллилар сони маълум эмас

Пахта теримига ўз хоҳиши билан келган бир нечта теримчи бу ишга мажбуран жалб қилинганлар томонидан ёлланган ва улар кунига терган пахтаси ортидан қанча пул ишлашидан қатъи назар, кунлик пул олиш кафолатини ҳам олишган. 2017 йили бу тўлов вилоят ва мавсумга қараб одатда бир кунга 10 000-30 000 (тахминан \$1.25-\$3.75) сўм бўлган. Ёлланган теримчиларнинг аксариятига транспорт ва овқат харажатлари ҳам тўланган. Ўз ихтиёри билан пахта тераётганлар ёлланма теримчи бўлишни афзал кўришади, чунки бу орқали улар кўпроқ пул ишлаб олишади.^{lviii} На Халқаро меҳнат ташкилоти ва на маҳаллий мониторинг дастурлари мажбуран жалб қилинганлар томонидан ихтиёрий равишда ёлланганлар сонини аниқлашмаган. Бу билан улар мавжуд маълумот мажбурий меҳнат ва мажбурий пул ундириш борасидаги реал ҳолатни ифодаламайди, демоқчи бўлишган.

Мажбурий меҳнат билан банд одамлар сонини камайтириш бўйича кучсиз ва самарасиз чоралар


2017 йили Ўзбекистон расмийлари ҳукуматнинг Жаҳон банки билан келишуви доирасида мажбурий меҳнатга жалб қилинганлар ва ишчи ёллашга мажбурланганларни очиқ мурожаат этиш механизмидан фойдаланишга чақирган. Масалан, бош вазир ўринбосари Танзила Норбоева соғлиқни сақлаш ва таълим соҳалари вакиллари пахта теришдан бош тортгани ёки теримчилар учун пул ундирилишига қарши туришлари ҳамда булар ҳақида ҳокимият вакилларига хабар беришлари зарурлигини таъкидлаган.^{lix} Халқаро меҳнат ташкилоти ва Жаҳон банки вакиллари эса очиқ мурожаат этиш механизми мажбурий меҳнатдан ҳимояланишда зарур восита ҳисобланишини билдирган. 2016 йили президент Шавкат Мирзиёев фуқаролар ҳукумат органларининг фаолияти юзасидан шикоят юборишлари мумкин бўлган “виртуал қабулхона” онлайн портали фаолиятини йўлга қўйди.^{lx} Пахта терими давридаги мажбурий меҳнат ҳақида президент порталига келиб тушган шикоятларнинг айримлари мурожаат механизмларига юборилди.

Мажбурий меҳнатдан ҳимоялашга қаратилган мурожаат механизми одамлар бош тортиш ва шикоят қилиш оқибатидан қўрқшини инкор қилади. Ўзбекистондаги ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари Норбоеванинг баёнотига ишонқирамай фикр билдиришган:

- Жуда ҳам кулгили, мен йиғлаяпман. Нима ҳақида гапиряпсиз? Бугун ишга борсам, мёндан сўрашяпти: “пахта ёки иш!” Агар бош тортсам, мен ишдан

- кетаман! Ҳозир пахта терими даври – шаҳар ва туманларга бориб, ўқитувчилар ва докторлар қаердалигини суриштириб кўринг! Юқоридан туриб баёнотлар қилишингиз шарт эмас, шунчаки бошингизни кўтаринг-да, ҳокимларга шахсан буйруқ беринг (пул тўлашга мажбур қилишмасин).
- Нима, улар ҳеч нарсани кўришмайдими ёки эшитишмайдими, ёки бизни ғирт аҳмоқлар деб ўйлашадими? Улар ҳеч бўлмаса жимгина ўтириб, одамларнинг жаҳлини чиқаришмаса ҳам яхши эди. Улар ўзларини ўзлари алдашпти.
 - Қуриб кетсин, бўлмаган гаплар жонга тегди. Ҳокимларга директорларни мажбур қилманглар, денг, вассалом. Бу фақат қуруқ гап, холос. (Пул ундиришга) қаршимиз ва ҳоказолар алдашдан бошқа нарса эмас.
 - Вазирлар Маҳкамаси ва бу ўринбосар, менимча, Ўзбекистонда яшамасалар керак. Қачон уйқудан уйғонасизлар?
 - Мен боғчада ишлайман ва биздан аллақачон пулларни йиғиб бўлишди (ёлланма теримчиларга тўлаш учун) ва бизни ҳам кунлик теримга чиқишга мажбур қилишяпти.^{ixi}

Пахта териш борасидаги шикоятлар билан мурожаат этиш механизми унчалик самара бермади, фақат 2017 йилда олдинги икки йилга нисбатан бирозгина



Расмийлар давлат ташкилотлари ходимларининг пахта терганини яшириш учун кузатувчиларни, жумладан, Халқаро меҳнат ташкилоти кузатувчиларини ҳам алдаш йўллари топишди. Улар давлат ташкилотлари ходимларини ишсизлар деб кузатувчиларни алдашди. Баъзи теримчилар сўзларига кўра, расмийлар кузатувчилар, айниқса, хорижликлар сўрашса, биз ишсизлармиз ва пахтани ўз хоҳишимиз билан пул ишлаб олиш мақсадида ёки ватанимизга ёрдам бериш учун теряпмиз, деб айтишни ўқитишган. Таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаси вакилларига ўз касбларини ошқор қилмаслик алоҳида тайинланган, баъзилар эса биз пахтани ўз хоҳишимиз билан терганмиз, деб тилхат ёзишга мажбурланган.

илдамлади. 2017 йили Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси пахта терими даврида меҳнат ҳуқуқлари борасида 121 ҳолатни қайд этган (булардан 36 таси мажбурий меҳнат билан боғлиқ деб топилган). Бу 2016 йилдаги мажбурий меҳнатга оид 85 та ёки 2015 йилдаги 68 та ҳолатга нисбатан икки карра кам.^{lxii} Меҳнат вазирлигидаги мурожаат механизми пахта терими билан боғлиқ 152 ҳолатни қайд этган (булардан фақат биттасигина мажбурий меҳнат билан боғлиқ). Булардан нечтаси (2015 йилда даъво деб топилган 2 та ҳолат ва 2016 йилда кўриб чиқилиши зарур деб топилган 30 та ҳолатга нисбатан) даъво деб топилгани ёки қанчаси кўриб чиқилиши зарурлиги аниқ эмас.^{lxiii} Ҳатто Халқаро меҳнат ташкилотининг 336 000 одам пахта теришга мажбурланган, деган баҳосини олганда ҳам мурожаат механизмига юборилган қайдномалар 1 фоиздан камни ташкил этади. Нима бўлганда ҳам бу механизмлар мажбурий меҳнат ва пахта терими борасидаги муаммоларни ҳал қилишда самара бермайди, бунга сабаб “катта молиявий сармоёга” қарамай, жамиятнинг хабардорлик даражаси пастлигидир (аҳолининг тахминан атиги 25%и бу механизмлардан хабардор^{lxiv}).”^{lxv}

Механизмларнинг самарадорлик даражаси жамиятнинг бунга ишончсизлиги, қонунларни яхши билмаслик ёки аксил чоралардан қўрқиш ҳисси кабилар туфайли паст бўлиб қолаверди. Бундан ташқари, маҳаллий расмийларнинг дўқ-пўписалари ва ўз мансабларини суиистеъмол қилишлари, пахтани мажбуран тераётганларга биз ишсизмиз ва ўз хоҳишимиз билан теряпмиз, деб ўргатиш, давлат ташкилотлари ходимларини ҳақ тўланмайдиган “жамоат” ишларида ишлатиш пахта масаласи ихтиёрий ва одамлар оқибатидан чўчимасдан унда иштирок этишдан бош тортишлари мумкин, деган тушунчани хавф остига қўйди. Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси ва маҳаллий касаба уюшмаларининг одамларни “миллий бурч”ларини бажариш доирасида сўнги зарбдор ойда пахта теримида иштирок этишга чақиришлари ҳам одамларни эксплуатация қилишдан сақлашга қаратилган чора-тадбирларга тескари эди.

“Озодлик” радиоси ҳам Телеграм ижтимоий тармоғи орқали Ўзбекистон фуқароларидан мажбурий меҳнат, пул ундириш, оғир меҳнат шароитлари, маҳаллий расмийларнинг ўз мансабларини суиистеъмол қилишлари ёки пахта терими мавсумидаги бошқа бошбошдоқликлар юзасидан юзлаб хабарлар олган ва уларни “Пахтаграм” рўқни остида мунтазам равишда эълон қилиб борган.^{lxvi} Бу ишлар жараён тўлиқ шаффоф ўтиши ўрнини босмаган бўлса ҳам у пахта терими масаласи атрофида ошкораликни таъминлашда муҳим омил бўлди ва фойдаланувчиларга ўз арзларини аноним қолган ҳолда овоза қилиш имконини берди. Ҳаттоки ўзини Тошкент милицияси зобити деб таништирган шахс ҳам милициянинг пахта теришга мажбурлангани, бажаришнинг имкони бўлмаган нормани териш талаб қилингани, пора беришга мажбурлангани, оғир меҳнат шароитида ишлашга мажбур бўлганидан шикоят қилиб ёзган.^{lxvii}

Ҳукуматнинг назорат борасида қабул қилган чора-тадбирлари етарли эмас

2017 йили ҳукуматнинг мажбурий меҳнат борасидаги назорат чора-тадбирлари юзаки бўлиб, юқори мартабали амалдорларни буни ҳисобга олиш ва мажбурий меҳнатнинг туб моҳиятини текширишга мажбурлай олмади. Ҳукумат пахта терими билан боғлиқ 14 ҳолатни қайд этди, холос. Булардан бештаси болалар меҳнати ва 9 таси мажбурий меҳнат билан боғлиқ. Учта мактаб ва иккита коллеж директориға, иккита фермерға ва тиббий клиника директориға талабаларни ёки ходимларни пахта теришга мажбур қилгани учун жарима солинди. Коллеж директорлари нима учун ва кимнинг буйруғига асосан талаба ва ходимларни пахта далаларига олиб чиққани умуман ўрганилмаган. Суд Андижон ҳоқимиға ҳам пахта теримини мувофиқлаштириш мажлисида ҳақорат сўзларни ишлатгани учун жарима белгилаган, аммо ҳоқимға пахта теримиға мажбурлагани ва таҳдидлар қилгани учун ҳеч қандай чора кўрилмаган.

Мажбурий меҳнатни мониторинг қилган инсон ҳуқуқлари фаоллари ва журналистларға таҳдидлар

Мажбурий меҳнат ҳақида хабар берган айрим фаоллар, кузатувчилар ва журналистлар фаолиятларига маҳаллий ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари томонидан аралашувлар кузатилганиға қарамай, 2017 йилда бундай ҳоллар аввалги йиллардагига нисбатан анча камайди. Ўзбекистон-Германия форуми кузатувчиларидан баъзи бирлари ўтган йилларда муаммоларға дуч келганликлари боис ўз фаолиятларини ошкор қилишмади. Очиқча мониторинг ўтказган фаоллар - Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари альянси раиси Елена Урлаева ҳамда мустақил журналист ва ҳуқуқ ҳимоячиси Малоҳат Эшонқулова айрим вилоятларда милиция ва ҳоқимиятнинг бошқа органлари томонидан ноқонуний ушланди ёки улар фаолиятиға тўсқинлик қилинди. Елена Урлаева суратчи ва германиялик журналист билан Бўқадаги пахта даласига кирмоқчи бўлганида милиция томонидан ушланди. Фаолларни таъқиб қилишнинг давом этаётгани пахта етиштиришдаги меҳнат амалиёти соҳасида янада шаффофликни ва барча даражаги мансабдорларнинг ҳисобдорлигини таъминлаш заруратини кўрсатади.

Ҳукумат ва Халқаро меҳнат ташкилотининг фуқаролик жамияти фаоллари билан муносабатларининг кенгайиши ва бу муносабатлардаги мавжуд тўсиқлар

Терим мавсумида Халқаро меҳнат ташкилотининг Тошкентдаги ваколатхонаси инсон ҳуқуқлари фаолларининг кичик гуруҳи билан билан мунтазам учрашувлар ўтказди. Шунингдек, ваколатхона вакиллари икки марта фаолларнинг меҳнат вазири ўринбосари билан учрашувини ташкил этди. Иштирокчиларнинг айтишича, очиқ ва конструктив тарзда ўтган учрашувларда фаоллар қўлга киритган маълумотлар ва аниқ қонунбузилишлар муҳокама қилинган. Бу учрашувлар илгари фаолларга душманона муносабатда бўлган ҳукумат томонидан қўйилган муҳим ва ижобий қадамдир.

Бироқ Халқаро меҳнат ташкилоти Ўзбекистонда мониторинг ва қонунбузарликни назорат қилиш фаолиятини бошлаганидан фаоллар билан мунтазам мулоқотда эканига қарамай, ўз ҳисоботларида улар томонидан қўлга киритилган маълумотларни ва уларнинг бу борадаги фаолиятини акс эттирмади ҳамда ХМТ ва фуқаролик жамиятининг мустақил кузатувчилари хулосаларида сезиларли фарқ йўқ, дея баёнот берди. Шунингдек, ХМТ Ўзбекистон ҳукуматида тавсияларида кузатувчиларнинг таъқиб қилиниши ва бу мажбурий меҳнатга қарши кураш, ундан хабардорлик даражасини ошириш ҳамда фуқаролик жамиятининг мустақил кузатувчилари хавфсизлигини таъминлашга қанчалик таъсир кўрсатиши қайд этмаган.

Бундан ташқари, ҳукумат мавжуд фуқаролик жамиятидаги ижтимоий муҳит билан боғлиқ янада жиддий, жумладан, бўғувчи ҳуқуқий чекловлар ва доимий таъқиблар, яъни бошланган ўзаро муносабатларга таҳдид солувчи муаммолар ечими борасида ҳуноз аниқ қадамлар қўйгани йўқ. Ҳокимият мажлисларида қатнашган ёки илгари мониторинг билан шуғулланган айрим фаолларнинг ҳуқуқлари ўзларининг бундай фаолиятига жавоб сифатида ҳукумат томонидан қўйилган жиддий чекловларга дуч келди, айрим ҳолатларда улар мониторингни давом эттира олмади.



Тавсиялар

Ўзбекистон ҳукуматига

- 2018 йилги терим мавсуми бошланиши олдидан пахта секторида мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига дарҳол чек қўйишга қаратилган чора-тадбирлар расмий режасини амалга киритсин. Бу чора-тадбирлар чигит экишга тайёргарликдан то ҳосилни йиғиштириб олишгача бўлган барча жараёни қамраб олиши керак. Мазкур режанинг барқарорлиги ва бардавомлиги, жумладан, келажакда қонунбузарлик учун жавобгарлик ва мажбурий меҳнатнинг олдини олиш таъминлансин.
- Болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатни тақиқловчи миллий қонунчилик ижроси Халқаро меҳнат ташкилоти конвенцияларига мос равишда таъминлансин.
